

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

“ 28 ” февраль 2022 й.

Наманган шаҳар

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Наманган вилоят прокуратураси** номидан Низом асосида иш кўрувчи вилоят прокурорининг ўринбосари **Ш.С.Касимов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**Зухал инвест сервис**» МЧЖ номидан Низом асосида иш курувчи жамият раҳбари **Н.Мамаджанов** иккинчи томондан, Наманган вилоят прокуратураси маъмурий биносида капитал таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи Буюртмачининг буюртмасига асосан Наманган вилоят прокуратураси маъмурий биносида капитал таъмирлаш ишларни бажаришни ўз зиммасига олади, Буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кўзда тутилган Наманган вилоят прокуратураси маъмурий биносида капитал таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Ишларни мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

2.1.3. Ишларнинг натижасини Буюртмачига топшириш.

2.1.4. Агар Пудратчи ишларни бажариш жараёнида Шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 3 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.5. Ишларни шахсан бажариш.

2.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур Шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, Пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 3 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида Пудратчига дарҳол хабар бериш.

2.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан бошлаб 5 кун ичида мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган баҳо бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

2.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.4.1. Ҳар қандай вақтда Пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

III ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **454 830 176 (Тўрт юз эллик тўрт миллион саккиз юз ўттиз минг бир юз етмиш олти)** сўмни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 % аванс тўловини олдиндан “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қолган 70 %

миқдордаги тўловни бажарилган ишларни қабул қилиб олгач 10 банк иш кунда ўтказиб берилади.

IV ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома суммасидан 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.2. Буюртмачи томонидан бажарилган ишлар учун Пудратчига ўз вақтида ҳақ тўланмаганда муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

V. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИ.

5.1. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама

музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Хўжалик судида ҳал қилинади.

VII ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Шартнома 2022 йил 31 декабр гача амал қилади. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

VIII Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Наманган вилоят прокуратураси
Манзил: Наманган ш. Сирғали к. 18 уй
Ш.х.в 400110860144017036200010001
ИНН 200 056 519 ОКОНХ 97400
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги қазначилиги
Банк номи: Марказий банк ХКММ
Ягона қазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010
МФО 00014 ИНН 201 122 919



Вилоят прокурорининг
ўринбосари Ш.С.Касимов

(Имзо)

Пудратчи

«Зухал инвест сервис» МЧЖ
Манзил: Наманган шаҳар, Шимолий
саноат ҳудуди Г 40
Тел: 88-313-30-03
х/р 2020 8000 9048 3061 5001
Миллийбанк Наманган филиали.
МФО 00222, ИНН 301 398 628
ОКОНХ 61125



Рахбар: Н.Мамаджанов

(Имзо)

(Имзо)



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ZUXAL INVEST SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ZUXAL INVEST SERVIS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.12.2009

190

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

301398628

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Namangan tumani, Qumqo'rg'on, Qumqo'rg'on MFY,
raqamsiz uy, yuq

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Namangan tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

